



ПРИКАЗ

ДИРЕКТОРА АГЕНТСТВА ИНФОРМАЦИИ  
И МАССОВЫХ КОММУНИКАЦИЙ  
ПРИ АДМИНИСТРАЦИИ ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 yil "4" oshar

№ 122

"\_\_\_" 20 г.

**Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
бошқармасининг низомини тасдиқлаш түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш түғрисида»ги ПҚ-4151-сон қарори билан тасдикланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги түғрисида низомнинг 15 бандига мувофик буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш түғрисида»ги ПҚ-4151-сон қарори билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Наманган вилояти худудий бошқарма негизида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасининг Низомини 1-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Худудий бошқарманинг намунавий логотипи, думалоқ мухр ва бурчак штамп намунаси 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Худудий бошқармалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ф.Мухиддиновга худудий бошқарма раҳбари билан биргаликда 10 кун муддатда бошқармани Давлат хизматлари марказида юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтишини ҳамда унинг думалоқ мухри ва бурчак штампини тайёрлаш, ундан белгилangan тартибда фойдаланиш ва масъул шахслар жавобгарлигига сакланишини ташкил этиш вазифаси топширилсин.

4. Худудий бошқарма тегишли равишда Наманган вилояти матбуот ва ахборот бошқармасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳукукий вориси ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор в.б.

К. Алламжонов

Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
директорининг  
2019 йил 4 маюни даги  
122-сонли бўйргига  
1-илова

## Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасининг НИЗОМИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳукуқлари, фаолиятини амалга ошириш ва ҳисобот бериш тартибини ҳамда унинг бошлигининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси тегишли равишда Наманган вилояти матбуот ва ахборот бошқармасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси деб ҳисобланади.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг фармойишлари ва буйруқлари, ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

3. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига бўйсунади ва ҳисобот беради.

4. Бошқарма бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

5. Бошқарманинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ахборот соҳасида фаолиятни амалга оширувчи барча ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилот ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Бошқарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Наманган

вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, қисқача — Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси;

б) рус тилида:

тўлиқ — Управление информации и массовых коммуникаций Наманганской области Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан, қисқача — Управление информации и массовых коммуникаций Наманганской области.

7. Бошқарманинг манзили:

Наманган шаҳри Навоий қўчаси 36-уй.

8. Бошқарма мустақил юридик щахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, хўжалик ҳисобидаги маблағларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютада банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## **2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари**

9. Бошқарманинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

9.1. Оммавий ахборот воситалари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти, медиа-бозорнинг худудий соҳалари ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш;

9.2. Минтақавий оммавий ахборот воситалари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳаларининг худудий субъектлари салоҳиятини юксалтириш, мутолаа маданиятини ошириш;

9.3. Шаҳардаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг худудий бўлинмалари матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлар бўлимлари) фаолиятини таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан оммавий ҳамкорликни йўлга қўйиш доирасида улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;

9.4. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, инвестициявий имкониятлари, бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисида, аввало, хорижий ишбилармон доираларни, салоҳиятли инвесторларни кенг хабардор қилиш бўйича худудий давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

9.5. Оммавий коммуникация, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасининг худудий субъектларига аниқланган қонунчилик талаблари бузилиши юзасидан, шу жумладан худудий давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича огоҳлантириш, хулоса ва кўрсатмалар бериш учун таклифлар киритиш;

9.6. Фаолиятни рўйхатга олиш ва лицензиялаш масалаларида худудий оммавий ахборот воситалари, шунингдек нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;

9.7. Оммавий ахборот воситалари, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳаси ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

10. Бошқарма зиммасига юклатилган асосий вазифаларга мувофик куйидаги функцияларни амалга оширади:

**10.1. Оммавий ахборот воситалари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти, медиа-бозорнинг худудий соҳалари ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш борасида:**

худудий оммавий ахборот воситалари (матбуот, электрон-ОАВ, ахборот агентликлари), нашриёт, матбаа ва ахборот-кутубхона тузилмаларининг ҳолатини баҳолаш ҳамда ривожлантириш ва/ёки мақбуллаштириш бўйича комплекс ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадида уларни муфассал таҳлил қиласи;

ёритиш ҳамда худудий давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг муаммоларини кўриб чиқади;

худудий оммавий ахборот воситалари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳаси, худудий медиа-бозорнинг ҳолати бўйича Агентлик раҳбариятига киритиш учун таҳлилий материаллар тайёрлайди;

**10.2. Минтақавий оммавий ахборот воситалари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳаларининг худудий субъектлари салоҳиятини юксалтириш, мутолаа маданиятини ошириш борасида:**

ахборот соҳасида мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ва тегишли қарорларни ишлаб чиқиш учун етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг таъсисчилари ва таҳририятлари, оммабоп веб-ресурслар ва блогерлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барқарор механизmlарини яратади;

худудий даврий нашрларнинг жозибадорлигини ошириш, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқади;

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш билан шуғулланаётган ташкилотларни қўллаб-куватлади;

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ва тарқатувчи ташкилотларга қўмаклашади;

худудий оммавий ахборот воситалари ва уларнинг журналистлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларни худудий оммавий ахборот воситалари орқали нохолис, ишончсиз ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тақиқланган ахборотлар тарқатилишидан ҳимоя қилишда қўмаклашади;

оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида соғлом рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ва якка тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

матбаа ускуналарини янгилаш, уларни модернизация қилиш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга оширишда катнашади;

нашриёт ва матбаа секторининг матбаа маҳсулотларини стандартлаштириш, сертификатлаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатади, худудий оммавий ахборот воситаларини технологик ривожлантириш ва мазмунан бойитиш бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

худудларда мутолаа маданиятини тизимли асосда илгари суриш ва ушбу мақсадда, айниқса, ёшлар ўртасида танловлар ўтказиш, ўсиб келаётган авлодни интеллектуал ва маънан етук қилиб тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

худудий давлат органларига қарашли кутубхоналар китоб фондини, шунингдек ахборот-кутубхона муассасаларини илмий, энциклопедик, бадиий адабиётлар билан тизимли равишда бойитиб бориш бўйича таклифларни тайёрлайди;

ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, маданий ва миллий қадриятларга зид, мазмунан сифатсиз китоблар нашр қилинишининг олдини олади;

интеллектуал мулк соҳасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, республика худудида контрафакт маҳсулотлар айланишини бартараф қилиш борасида хуқуқни муҳофаза қилувчи, божхона, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи;

**10.3. Худудий давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўлимлари) фаолиятини таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан оммавий ҳамкорликни йўлга қўйиш доирасида улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида:**

худудий давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиқлик даражасини, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг маълумотларни олиш имкониятини тизимли таҳлил қиласи, уларнинг самарали ҳамкорлигини кучайтириш чораларини белгилайди;

худудий давлат органлари раҳбарларининг масс-медиа билан ўзаро ҳамкорлик қилиши учун уларнинг салоҳияти ва тайёргарлик даражасини оширишда худудий давлат тузилмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаракатлари мувофиқлиги ва тезкорлигини таъминлайди;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, оммавий ахборот воситаларига расмий ахборотларни олишда teng хуқуклар берилишини таъминлайди;

худудий давлат тузилмалари раҳбарлари томонидан миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун брифинглар ва матбуот анжуманлари ўтказишни кенг амалиётга жорий этиш учун шарт-шароит яратади;

худудий давлат органлари матбуот хизматлари томонидан сифатли ахборот ва таҳлилий материалларни тизимли ва тезкор тайёрлаш жараёнларини, амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ва инвестицион лойиҳаларнинг моҳияти ва мазмунини содда тилда тушунтириш учун оммавий коммуникацияларнинг турли каналларидан кенг фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни назорат қиласди;

худудий ахборот ресурсларининг ривожланиши, шу жумладан, Интернет тармоғидаги веб-ресурслар, оммабоп ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар, худудий давлат органлари фаолияти соҳасига алоқадор матн, фото-, аудио-, видео- ва бошқа ахборот материалларининг маълумотлар банкини шакллантириш ва юритилишини назорат қилишни таъминлайди;

худудий давлат органлари матбуот хизматларига юкланган ахборот вазифаларини сифатли таъминлаш мақсадида уларнинг мақомини зарур даражада мустаҳкамлаш ва штат бирликларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларига ахборот тақдим этиш усуллари ва замонавий каналлардан фойдаланиш мақсадида ҳудудий давлат органлари матбуот хизматлари ходимларининг малакасини ошириш, кўникма ва иш услубларини яхшилаш масалаларини мувофиқлаштиради;

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ва аҳоли, тадбиркорлик субъектларининг давлат ахборот ресурсларига ва интерактив хизматларга кенг кириб боришини таъминлаш, шу жумладан, қишлоқ жойларда рўйхатни кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашда иштирок этади;

худудий давлат органлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чора-тадбирларни таклиф қиласди;

**10.4. Ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, уларнинг инвестицион имкониятлари, бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисида, авваламбор, хорижий ишбилармонлар доиралари, салоҳиятли инвесторларни кенг хабардор қилиш масаласида ҳудудий давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш соҳасида:**

республика ҳудудлари кесимида инвестицион лойиҳалар, ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ҳакида маҳаллий ва хорижий аудиторияни кенг миқёсда хабардор қилиш бўйича ҳудудий давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

мутахассислар ва тадбиркорлар иштирокида мунтазам равишда ҳудудий давлат тузилмалари раҳбарлари томонидан масс-медиа учун амалга оширилаётган ислоҳотлар ва инвестицион лойиҳаларнинг муҳим жиҳатларига

бағишенгандар брифинглар ҳамда матбуот анжуманлар ўтказиб турилишини назорат қиласи;

бажариладиган ишларнинг ойма-ой режаси ва жалб этилган инвестициялар ҳажми, инвестициялар жалб қилинаётган соҳалар, ўзлаштирилган инвестициялар кўлами, ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш босқичлари, лойиҳаларнинг экспорт ҳажмини оширишга, тармоқ ёки минтака ривожига таъсири, лойиҳаларни рӯёбга чиқариш кафолатлари, уларнинг рақобатда устунликлари ва бошқаларни ўз ичига олган тармоқ ислоҳотларининг, амалга оширилаётган ҳар бир инвестиция лойиҳасининг асосий параметрлари ҳақидаги батафсил ва сифатли безатилган, жумладан хорижий тилларга бехато таржима қилинган маълумотларни ўзида жамлаган Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларини давлат органлари ва бошка ташкилотлар томонидан тайёрлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

худудий давлат органлари, бошка ташкилотлар билан биргаликда ва давлат ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари, блогерларни жалб этган ҳолда худудларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, инвестиция лойиҳаларининг ахборот таъминоти бўйича турли дастурларни ишлаб чиқади.

**10.5. Худудий оммавий ахборот воситалари, босма, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳаси фаолияти субъектларига, шу жумладан худудий давлат бошқаруви органлари ва бошка ташкилотлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича аниқланган қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан огоҳлантиришлар, хулосалар ва кўрсатмаларни киритиш учун таклифлар тайёрлаш соҳасида:**

худудий оммавий коммуникациялар субъектлари, нашриётлар, матбаа корхоналари фаолиятининг қонунчилик нормаларига мувофиқлиги, лицензиялаш ва рухсат бериш талаблари ва шартларига амал қилиши бўйича доимий мониторинг олиб боради;

худудий давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик билан алоқаларни таъминлаш бўйича мониторинг ва таҳлилини амалга оширади;

давлат ташкилотлари очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузган ёки лозим даражада бажармаётган худудий давлат органлари ва давлат оммавий ахборот воситаларига тавсиялар, огоҳлантиришлар, хулосалар ва кўрсатмалар бериш бўйича таклифлар киритади;

худудий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари томонидан тегишли қонунчилик талаблари бажарилмаган ҳолатларда лицензия ва рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномаларининг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб туриш бўйича таклифлар киритади;

худудий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари томонидан тегишли қонунчилик талаблари мунтазам бажарилмаган тақдирда, уларнинг лицензиялари ва рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилиш бўйича ўрнатилган тартибда ариза билан судга мурожаат этиш юзасидан таклиф киритади;

**10.6. Ҳудудий оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, нашриёт ва матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва лицензиялаш масалалари соҳасида:**

тадбиркорлик субъектларига ноширлик фаолиятини лицензиялаштириш, оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича ахборот, ташкилий, методик ва маслаҳат кўмагини тақдим этади;

тадбиркорлик субъектларига ноширлик фаолияти учун лицензия олишда ҳамда оммавий ахборот воситалари ва корхоналарни рўйхатдан ўтказишида зарур бўлган материал ва хужжатларни тайёрлаш ва уларни узатишида ёрдам беради;

ноширлик фаолияти учун лицензия бериш, мазкур лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш бўйича қарор қабул қилишида иштирок этади;

лицензиат томонидан ноширлик йўналиши соҳасида лицензия талаблари ва шартларига, шу жумладан китоб-дафтар, матбаа ва канцелярия маҳсулотларини нашр этишида белгиланган сифат стандартларига риоя қилиши устидан тизимли назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи нашриётларнинг Давлат реестрини олиб боришида, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари ягона реестри, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган матбаа корхоналарининг ягона давлат реестрини юритишга кўмаклашади;

**10.7. Оммавий ахборот воситалари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда уларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши соҳасида:**

худудий оммавий ахборот воситалари кадрлари салоҳиятини, шунингдек, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

худудий журналист кадрлар, нашриёт-матбаа корхоналари ва ахборот-кутубхона муассасалари ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича фаолиятни ташкил қиласида ва мувофиқлаштиради, шу мақсадларда таълим тренинглари, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун етакчи мутахассисларни жалб қиласи;

оммавий ахборот воситалари, нашриёт-матбаа ва кутубхона фаолияти соҳасидаги ташкилотлар учун кадрларни тайёрлаш ва тақсимлаш масалаларида ҳудудий давлат органлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қиласи;

оммавий ахборот воситалари, нашриёт-матбаа ва кутубхона фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий ва техник хужжатларни эълон қиласи.

### **3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **11. Бошқарма:**

11.1. Наманган вилояти ҳокимлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлимлари, шунингдек, бошқа ташкилотлардан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли бажариш учун зарур бўлган ахборот материалларини сўраб олиш;

11.2. Оммавий коммуникациялар, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари худудий бўлимлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

11.3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида мажлислар ўтказиш;

11.4. Ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **12. Бошқарма:**

12.1. Қонун ҳужжатлари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ва унинг ўринbosарларининг қонуний топшириклари, шунингдек, бошқармага юклangan вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажариш;

12.2. Республиkaning тегишли дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурлар билан мустаҳкам ўзаро боғлиқ ҳолда худудларнинг ахборот, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона тармоқларини ривожлантириш дастурларининг белгилangan тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

12.3. Агентликка ҳудуднинг оммавий коммуникациялари, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳаларининг ривожланиши тенденциялари, худудларнинг ахборот, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона тармоқларини ривожлантириш дастурлари амалга оширилиши юзасидан объектив таҳлилий маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

### **4-боб. Бошқарманинг Агентлик марказий аппарати ва унинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

13. Бошқарма Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан қуйидаги масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласи:

13.1. Агентлик директори топшириклари ижроси хақида ахборот беради;

13.2. Фаолиятнинг белгилangan соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади ҳамда уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида

аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари түғрисида маълумот беради;

13.4. Ўз иши натижалари түғрисидаги ҳисботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Агентликнинг марказий аппаратига тақдим этади;

13.5. Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг муҳим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни Агентликнинг марказий аппаратига юборади;

13.6. Комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари түғрисида ахборот беради;

13.7. Ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари түғрисида хабар беради.

14. Бошқарма Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмаларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ва ёзма шикоят ҳамда аризалари, раҳбарият топшириқлари юзасидан ижрочи бўлиши мумкин.

15. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, худудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Агентлик директорининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқлади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита Агентлик директори томонидан қабул қилинади.

## **5-боб. Бошқарма бошлиғининг фунуционал мажбуриятлари**

16. Бошқарма бошлиғи:

16.1. юқлатилган вазифа ва функцияларга мувофиқ, Агентликнинг худудий бошқармалари фаолиятини, шу жумладан, бўлим бошлиқлари ва мутахассислари ишини ташкил қиласди;

16.2. худуднинг ахборот, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳалари ривожланиши ҳолатини сифатли баҳолайди ва Агентлик раҳбариятига уларнинг истиқболдаги ривожланиши юзасидан аниқ таклифлар ва амалга ошириш механизмларини киритади;

16.3. белгиланган тартибда бошқа функцияларни амалга оширади.

## **6-боб. Бошқарма бошлиғининг масъулияти**

17. Бошқарма бошлиғи:

17.1. қонун хужжатлари, Агентлик раҳбарларининг топшириқлари, шунингдек, юқлатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

17.2. тегишли республика дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш дастурларига узвий боғлиқ ҳолда худудларнинг оммавий коммуникациялар,

ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш дастурлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

17.3. Агентликка худудларнинг оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳалари ривожланиши тенденциялари тўғрисида объектив таҳлилий ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш;

17.4. амалга оширилган ҳудудий дастурларнинг худуддаги оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятига бўлган таъсирининг самарадорлиги;

17.5. ҳудудларнинг оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун масъулдир.

## **7-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил қилиш**

18. Бошқарма бошлигини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

19. Бошқарманинг Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан ўзаро қўйидаги масалалар бўйича ҳамкорлик қиласди:

19.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Агентлик раҳбарияти топшириқларини ўз вақтида бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг сўровномалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

19.2. Бошқарманинг, соҳавий ривожлантириш дастурлари билан ўзаро уйғунликда, ҳудудий оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

19.3. Бошқарманинг ахборот соҳасидаги хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши қурашиб, жамиятда мутолаа маданиятини ошириш, республика ҳудудларининг иқтисодий ва инвестицион салоҳиятини тарғиб қилиш, давлат органлари матбуот хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан мақбул ҳамкорлиги ҳамда оммавий коммуникациялар, нашриёт-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳаларини бошқариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

19.4. Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги муҳити ҳамда ҳудудлар кесимида унинг асосий кўрсаткичлари динамикаси, ҳудудларнинг оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш доирасидаги лойихалар ҳамда чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоли масалаларни аниқлаш мақсадида

тизимли мониторингини амалга ошириш, тизимли муаммоли масалаларни хал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

19.5. давлат ҳокимияти органлари томонидан кўриб чиқиш ва виза кўйиш учун киритилган норматив-хукукий ҳужжатларнинг лойихаларини экспертизадан ўтказиш ва ишлаб чиқиш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш;

19.6. республика худудларида оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳалари фаолияти ривожланишининг даражасини баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

### **8-боб. Бошқарма фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

20. Бошқарма бошлиғи ва бошқарма ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

### **9-боб. Бошқармани молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

21. Бошқарма ходимларига иш ҳақини тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантиришни амалга ошириш манбалари этиб маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар, меҳнат ҳақи фонди, рухсатнома тусидаги ҳужжатлар берганлик учун давлат божи тўлашдан тушадиган маблағлар, Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

22. Жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида соҳага доир ҳукукий-маслаҳат хизмати кўрсатиш, матбаа корхоналари, нашриётлар ҳамда оммавий ахборот воситалари муассисларининг ҳомийлик ва хайрия маблағлари.

23. Бошқарманинг хўжалик ҳисобидаги маблағларидан ходимларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва моддий ёрдам кўрсатиш мумкин.

### **10-боб. Бошқарма ҳисботи**

25. Бошқарма ҳар чоракда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари ахборотларини чукур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Агентликка ягона давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида оммавий коммуникациялар, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳаларини ривожлантириш, шунингдек аниқланган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича асосланган таклифлар билан биргаликда умумлаштирилган таҳлилий маълумот киритади.

## **11-боб. Якуний қоидалар**

26. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **12-боб. Конун хужжатлариға мувофиқ бошқа қоидалар**

27. Ушбу Низомга Агентлик томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

28. Ушбу Низом Агентлик директори томонидан тасдикланган кундан амал қиласди, бошқарма юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан қайта ўтказилгандан кундан бошлаб фаолият кўрсатишни бошлайди.

29. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва зарур ҳолларда халқаро шартномаларга мувофиқ тартибга солинади.

30. Ушбу Низом ўзбек тилида тузилди, ўн уч варагда, ўн икки боб, 30 банддан иборат.